ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Тошкент фармацевтика институти Илмий кенгашининг
13.10.2009 йилдаги 3-сон қарори билан чоп этишга тавсия этилган

Соч себореясини даволаш учун” фитокосметик лосьон технологияси

Г.М.Юлдашева, Ф.С.Жалилова, Н.С.Файзуллаева
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: кўп ҳолларда ўсмирлар балоғат ёшига қадам қўйганида соч ва юз терисини меъёридан ортиқча ёғ билан қопланиши кузатилади – бу себорея касаллиги бўлиб, бунда терининг ёғ безлари кўп миқдорда ёғ ишлаб чиқариши кузатилади. Бугунги кунда Дунёда 3000000 дан ортиқ соч тўкилишини даволовчи воситалар қўлланилади. Бироқ Ўзбекистонда ишлаб чиқаришга тавсия этилганлари йўқ. Буни ҳисобга олиб биз Ўзбекистонда етиштириладиган доривор ўсимликлар асосида соч себореясини даволаш учун ишлатишга мўлжалланган мураккаб таркибли осилма типидаги лосьон таркиби ва технологияси ишлаб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.
Усуллар: фитокосметик лосьон тайёрлашда тўқ рангли сочлар учун 90% этил спиртда олинган тирноқгул тиндирмасидан, малла рангли сочлар учун юқорида келтирилган концентрациядаги мойчечак тиндирмасидан фойдаланилди. Шунингдек лосьон таркибига соч себореясини даволашда кўп ҳолларда ишлатиладиган дори моддалар танлаб олинди - тозаланган олтингугурт, камфора, борат кислотаси. Тирноқгул ва мойчечак тиндирмалари перколяция усулида 1:10 нисбатда олинди. Мураккаб таркибли осилма типидаги фитокосметик лосьон диспергирлаш усулида олинди. Фитокосметик лосьон сифат кўрсаткичлари суюқ косметика воситалари учун мўлжалланган Давлат стандарти талаблари бўйича баҳоланди – ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, этил спиртининг ҳажми, водород pH кўрсаткичи, оғир металлар миқдори.
Натижалар: соч себореясини даволаш учун қуйидаги таркибга эга фитокосметика лосьони ишлаб чиқилди: 6,0 г тозаланган олтингугурт, 3,0 г камфора, 2,0 г борат кислотаси ва 90% этил спиртида оддий перколяция усулида олинган календула (ёки мойчечак) тиндирмасидан 100,0 г. Шунингдек, осилма типидаги лосьон таркибига биз стабилизатор сифатитда 0,6 г тиббиёт совуни ва сочларга яхши суртилиши ва суртилганидан кейин узоқ вақт сақланиши учун 1,0 г глицерин қўшдик. Технологияси: ҳавончада 6,0 г тозаланган олтингугурт ва 0,6 г тиббиёт совуни майдаланади, устига 1,0 г глицерин қўшиб аралаштирилади (глицерин олтингугурт сиртини яхши гидрофиллайди); 2,0 г борат кислотаси ва 3,0 г камфора тирноқгул (мойчечак) тиндирмасида эритилади ва лозим бўлса сузиб олинади. Майдаланган олтингугурт, совун ва глицеринли аралашма қўнғир рангли шиша идишга ўтказилади ва устидан борат кислотаси, камфора эритилган тирноқгул (мойчечак) тиндирмаси қўйилади. Идиш пробка билан беркитилади ва яхшилаб чайқатилади.
Хулосалар: соч себореясини даволаш учун мўлжалланган мураккаб таркибли лосьон сифат кўрсаткичлари бўйича Давлат стандарти талабларига жавоб беради.